

## Ўз фаолиятига оид ҳисоботларни эълон қилиш ҳолати бўйича авиакомпания тўғрисида 2024 йил учун ҳисобот.

“Uzbekistan Airways” Акциадорлик Жамияти йўловчилар ва мижозларнинг эҳтиёжларини қондирадиган ва кутганидан юқори сифатли хизмат кўрсатувчи, қулай ва хавфсиз парвозларни амалга оширувчи минтақадаги етакчи авиакомпания бўлишга интилади. Авиакомпаниянинг мақсади ҳаво қатновини имкон қадар қулай ва алоқадор қилиш, одамлар, мамлакатлар ва маданиятларни бир-бирига яқинлаштиришдир.

Жамиятнинг 2024 йилги бизнес-режасига кўра авиакомпания ўз олдида юқори мақсадларни белгилаб қўйган ва йил охирига қадар уларга эришиши кутилмоқда. Жумладан, 2024 йилда Жамият томонидан **44 851 та парвоз амалга оширилди** ва йўловчилар сони **6 199 223** етди (2023 йилдаги кўрсаткичдан **123%** га кўпроқ).

Бундан ташқари, 2024 йилда **66 617 тонна юк ташилган**, ва Будапешт, Бирмингем, Мумбай ва Мале шаҳарларига чартер юк парвозлари қўйildi.

Жамиятнинг 2024 йилдаги умумий даромадлари 2023 йилга кўрсаткичларидан **12%**га ошиб **18 297 млрд. сўмга** етди ва шу билан бирга Жамиятнинг 2024 йилдаги соф фойдаси **1 640 млрд. сўмни** ташкил этди.

Жамият 2024 йилда ҳам ўз ҳаво паркани оширишда давом этди ва **6 та** (2 та А330, 2 та А320NEО, 2 та АTR-72, 2 та LET-410) янги ҳаво кемаларини қабул қилди. Шу билан бирга авиакомпания парвозлар географиясини кенгайтириш мақсадида дунёнинг турли хил нуқталарига янги йўналишлар очди, жумладан:

### Тошкентдан:

- Нячанг (Виетнам);
- Махачқала (Россия Федерацияси);
- Хургада (Миср);
- Гоа (Хиндистон);
- Фукуок (Виетнам);
- Ханчжоу (Хитой);
- Лахор (Покистон);
- Санья (Хитой).

### Нукусдан:

- Олмаота (Қозоғистон);
- Истамбул (Туркия).

Тошкентдан Рига, Истамбул, Дубай, Дели, Токио, Урумчи, Жакарта, Сочи, Қозон, Иркутск, Хабаровск, Нижний Новгород, Грозный, Минск,

Душанбе, Остона, Олмаота, Бишкек ва Екатеринбург шаҳарларига; Урганч ва Термиздан Санкт-Петербург шаҳрига; Намангандан Иркутск ва Самара шаҳарларига ва Фарғонадан Қозон, Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларига парвозлар сони оширилди.

Бундан ташқари, 2024 йилда Ўзбекистон Республикасидаги маҳаллий рейсларни сони ҳам оширилди, ҳамда вилоят марказлари ва шаҳарларидан бошқа вилоят марказлари ва шаҳарларига парвозлар сони оширилди (Бухоро-Урганч, Нукус-Мойноқ, Қоқон-Бухоро, Қоқон-Термиз).

Ўзбекистон Республикасидан халқаро рейсларга йўловчилар оқимини жалб қилиш, шунингдек, Жамиятнинг халқаро бозорлардаги иштирокини мустақамлаш мақсадида авиакомпания 2024 йилда бир қатор хорижий авиакомпаниялар билан “Interline/SPA” ва “Code-Share” каби тижорат битимларини тузди:

- **China Southern Airlines** (Хитой) SPA доирасида ҳамкорликни ривожлантириш; (февраль);

- **Turkish Airlines** (Туркия) CodeShare доирасида ҳамкорликни кенгайтириш; (февраль-март);

- **Jeju Air** (Корея) Interline/SPA доирасида ҳамкорликни ривожлантириш; (февраль-март);

- **Emirates** (БАА) Interline/SPA доирасида ҳамкорликни ривожлантириш. (март-апрель);

- **Air Baltic** (Латвия) CodeShare доирасида ҳамкорликни кенгайтириш; (2-ярим йиллик).

Жамият иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш ва қайта тикланадиган энергия манбалари улушини оширишга қаратилган яшил энергетика соҳасидаги ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлайди.

Иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва атроф-муҳитга ғамхўрлик қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар доирасида, ҳамда парник газлари эмиссиясини камайтириш, қайта тикланувчи энергия манбалари улушини ошириш, авиакомпания объектларида электр энергияси, иситиш ва иссиқ сув харажатларини камайтириш ва ресурсларни узоқ муддатли тежаш мақсадида авиакомпания 2024 йилда иккита қуёш сув иситгичини ўрнатди.